1	**ЭМИТЕНТНИНГ НОМИ**	
	Тўлиқ номи:	«BOSHTRANSLOYIHA» Транспорт бўйича бош лойиҳа-қидирув институти акциядорлик жамияти;
	Қисқартирилган номи:	«BOSHTRANSLOYIHA» АЖ;
	Биржа тикерининг номи:	мавжуд эмас
2	**АЛОҚА МАЪЛУМОТЛАРИ**	
	Жойлашган ери:	Ўзбекистон Республикаси, 100060, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 23 “а” уй.
	Почта манзили:	Ўзбекистон Республикаси, 100060, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 23 “а” уй.
	Электрон почта манзили:	boshtrans@gmail.com.
	Расмий веб – сайт:	https://boshtrans.uz/
3	**МУХИМ ФАКТ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ**	
	Мухим фактнинг рақами:	06
	Мухим фактнинг номи:	Эмитентнинг юқори бошқарув органи томонидан қабул қилинган қарорлар
	Умумий йиғилиш тури:	Акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши
	Умумий йиғилиш ўтказиш санаси:	22.06.2023
	Умумий йиғилиш баённомаси тузилган сана:	26.06.2023
	Умумий йиғилиш ўтказилган жой:	Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 23а уй, “Boshtransloyiha” АЖ маъмурий биноси
	Умумий йиғилиш кворуми:	96,92

№	Овоз беришга қўйилган масалалар	овоз бериш якунлари					
		ёқлаш		қарши		бетарафлар	
		%	сони	%	сони	%	сони
1	1. Саноқ комиссиясининг таркиби 3 (уч) кишидан иборат таркибда тасдиқлаш. 2. Саноқ комиссиясининг шахсий таркиби қуйидаги таркибда бир йил муддатга тасдиқлаш: - Израильбекова Ильмира Исмаиловна - «Boshtransloyiha» АЖ бош бухгалтер; - Юлдашев Улуғбек Михлибаевич - «Boshtransloyiha» АЖ корпоратив маслаҳатчиси; - Рогожкина Елена Алексеевна - "Boshtransloyiha" АЖ ишлаб чиқаришни мувофиқлаштириш хизмати раҳбари.	**100**	**4 315 987**	0	0	0	0
2	1 «Boshtransloyiha» АЖ Бош директорининг 2022 йилдаги фаолияти қониқарли деб топилсин. 2. «Boshtransloyiha» АЖ фаолиятининг 2022 йил якунлари бўйича йиллик ва Бизнес-режаси кўрсаткичларини бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботи тасдиқлансин.	**100**	**4 315 987**	0	0	0	0
3	«Boshtransloyiha» АЖ Кузатув кенгашининг 2022 йил якунлари бўйича ҳисоботи маълумот учун қабул қилиш ва Жамияти Кузатув кенгашининг 2022 йилдаги мажлис (баённомалари) қарорлари тасдиқлаш.	**100**	**4 315 987**	0	0	0	0
4	«Boshtransloyiha» АЖ Тафтиш комиссиясининг 2022 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботи тасдиқлаш.	**100**	**4 315 987**	0	0	0	0
5	1. «Boshtransloyiha» АЖ Корпоратив бошқарув кодекси талабларини бажарилиши юзасидан ўтказилган баҳолаш натижалари маълумот учун қабул қилиш ва маъқуллаш. 2. «Boshtransloyiha» АЖдаги мавжуд Корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш ва жамият олдида турган стратегик вазифалар билан уйғунлаштирилган ҳолда жамиятнинг ривожланишини таъминлаш борасида барча амалий чоралар кўриш.	**100**	**4 315 987**	0	0	0	0
6	1. «Boshtransloyiha» АЖнинг 2022 йил якуни бўйича олган 1 949 327 000 сўм миқдоридаги соф фойдаси қуйидаги тартибда тақсимлаш: •дивиденд тўлови учун – 975 208 752,0 сўм ёки соф фойданинг 50,03% қисми; •Жамият захира фондини шакллантириш учун – 97 466 350,0 сўм ёки соф фойданинг 5,00% қисми; •Тақсимланмаган фойда сифатида қолдириш учун - 876 651 898,0 сўм ёки соф фойданинг 44,97% қисми; 2. Бир дона жойлаштирилган акция учун дивиденд миқдори 219,00 сўм миқдорида белгилаш.	**100**	**4 315 987**	0	0	0	0

	3. Ҳисобланган дивидендлар 2023 йил 26 июлдан 2023 йил 21 августга қадар пул маблағлари кўринишида тўлаш. 4. Жамият бошқарув орган аъзолари (кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси ва ижроия органи аъзолари)га соф фойданинг 7,00%и, яъни 136 452 890,0 сўм миқдорида йиллик мукофот тўлаш (илгари тўланган чораклик мукофотлар бундан мустасно). Мукофот тўловлар жорий давр харажатларига киритиш. 5. Бошқарув орган мукофот тўловлари иловага мувофиқ тақсимлаш.						
7	“Boshtransloyiha” АЖ Тафтиш комиссияси фаолиятини тугатиш хамда “Boshtransloyiha” АЖ Тафтиш комиссияси тўғриси”даги низоми ўз кучини йўқотган деб топиш.	**91,75**	**3 959 869**	0	0	8,25	356 118
8.1	«Boshtransloyiha» АЖ уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ва Жамият устави янги таҳрирда иловага мувофиқ тасдиқлаш	**100**	**4 315 987**	0	0	0	0
8.2	«Boshtransloyiha» АЖ «Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисидаги», «Кузатув кенгаши тўғрисидаги» ва «Ижроия органи тўғрисидаги» ички низомларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ва ушбу низомлар янги таҳрирда иловага мувофиқ тасдиқлаш.	**91,75**	**3 959 869**	0	0	8,25	356 118
9	Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 79-моддасига мувофиқ «Boshtransloyiha» АЖ Бош директори Рузиев Рустам Васикович ваколатлари узайтириш.	**100**	**4 315 987**	0	0	0	0
10	Жамиятнинг 2023 йил молиявий-хўжалик фаолияти якунлари бўйича ҳисоботларни миллий ва халқаро стандартларга мувофиқ аудиторлик текширувини ўтказиш учун, шунингдек СМК, СЙК ва уларнинг бажарилиши фоизларининг ҳисобланган миқдорини текшириш учун ташқи аудитори этиб “AUDIT-RUMANS” МЧЖ аудиторлик ташкилотини тасдиқлаш ва унинг хизмат ҳақи 58 000 000,00 сўм (ҚҚС билан) миқдорида белгилаш.	3,83	165 428	**54,01**	**2331165**	42,15	1 819 394
10.2	Жамиятнинг 2023 йил молиявий-хўжалик фаолияти якунлари бўйича ҳисоботларни миллий ва халқаро стандартларга мувофиқ аудиторлик текширувини ўтказиш учун, шунингдек СМК, СЙК ва уларнинг бажарилиши фоизларининг ҳисобланган миқдорини текшириш учун ташқи аудитори этиб «KRESTON TASHKENT» МЧЖ аудиторлик ташкилотини тасдиқлаш ва унинг хизмат ҳақи 67 000 000,00 сўм (ҚҚС билан) миқдорида белгилаш.	3,73	161 060	**54,11**	**2335533**	42,15	1 819 394
10.3	Жамиятнинг 2023 йил молиявий-хўжалик фаолияти якунлари бўйича ҳисоботларни миллий ва халқаро стандартларга мувофиқ аудиторлик текширувини ўтказиш учун, шунингдек СМК, СЙК ва уларнинг бажарилиши фоизларининг ҳисобланган миқдорини текшириш учун ташқи аудитори этиб «SMART AUDIT» МЧЖ аудиторлик ташкилоти тасдиқлаш ва унинг хизмат ҳақи 40 600 000,00 сўм (ҚҚС билан) миқдорида белгилаш.	**90,85**	**3 921 233**	0,10	4 368	9,05	390 386
11	“Boshtransloyiha” АЖнинг аффилланган шахслари билан 2023-2024 йиллар давомида тузилиши кутилаётган жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни иловага мувофиқ тасдиқлаш.	**100**	**4 315 987**	0	0	0	0
12	«Boshtransloyiha» АЖнинг 2023 йил учун Бизнес-режаси иловага мувофиқ тасдиқлаш.	**99,21**	**4 281 719**	0,79	34268		
13	Муддати уч йилдан ўтган «Boshtransloyiha» АЖ акциядорлари ёки эгасининг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан талаб қилиб олинмаган 2 363 621 сўм миқдоридаги дивиденд жамият ихтиёрида қолдириш ва жамият фойдаси сифатида тан олиш.	**100**	**4 315 987**	0	0	0	0

Умумий йиғилиш томонидан қабул қилинган қарорларнинг тўлиқ баёни	
1	1. Саноқ комиссиясининг таркиби 3 (уч) кишидан иборат таркибда тасдиқлансин. 2. Саноқ комиссиясининг шахсий таркиби қуйидаги таркибда бир йил муддатга тасдиқлансин: - Израильбекова Ильмира Исмаиловна - «Boshtransloyiha» АЖ бош бухгалтер; - Юлдашев Улуғбек Михлибаевич - «Boshtransloyiha» АЖ корпоратив маслаҳатчиси; - Рогожкина Елена Алексеевна - "Boshtransloyiha" АЖ ишлаб чиқаришни мувофиқлаштириш хизмати раҳбари.
2	1. «Boshtransloyiha» АЖ Бош директорининг 2022 йилдаги фаолияти қониқарли деб топилсин. 2. «Boshtransloyiha» АЖ фаолиятининг 2022 йил якунлари бўйича йиллик ва Бизнес-режаси кўрсаткичларини бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботи тасдиқлансин.
3	1. «Boshtransloyiha» АЖ Кузатув кенгашининг 2022 йил якунлари бўйича ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин ва Жамияти Кузатув кенгашининг 2022 йилдаги мажлис (баённомалари) қарорлари тасдиқлансин.
4	1. «Boshtransloyiha» АЖ Тафтиш комиссиясининг 2022 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботи тасдиқлансин.
5	1. «Boshtransloyiha» АЖ Корпоратив бошқарув кодекси талабларини бажарилиши юзасидан ўтказилган баҳолаш натижалари маълумот учун қабул қилинсин ва маъқуллансин. 2. «Boshtransloyiha» АЖдаги мавжуд Корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш ва жамият олдида турган стратегик вазифалар билан уйғунлаштирилган ҳолда жамиятнинг ривожланишини таъминлаш борасида барча амалий чоралар кўрилсин.
6	1. «Boshtransloyiha» АЖнинг 2022 йил якуни бўйича олган 1 949 327 000 сўм миқдоридаги соф фойдаси қуйидаги тартибда тақсимлансин: •дивиденд тўлови учун – 975 208 752,0 сўм ёки соф фойданинг 50,03% қисми; •Жамият захира фондини шакллантириш учун – 97 466 350,0 сўм ёки соф фойданинг 5,00% қисми; •Тақсимланмаган фойда сифатида қолдириш учун - 876 651 898,0 сўм ёки соф фойданинг 44,97% қисми; 2. Бир дона жойлаштирилган акция учун дивиденд миқдори 219,00 сўм миқдорида белгилансин. 3. Ҳисобланган дивидендлар 2023 йил 26 июлдан 2023 йил 21 августга қадар пул маблағлари кўринишида тўлансин. 4. Жамият бошқарув орган аъзолари (кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси ва ижроия органи аъзолари)га соф фойданинг 7,00%и, яъни 136 452 890,0 сўм миқдорида йиллик мукофот тўлансин (илгари тўланган чораклик мукофотлар бундан мустасно). Мукофот тўловлар жорий давр харажатларига киритилсин. 5. Бошқарув орган мукофот тўловлари иловага мувофиқ тақсимлансин.
7	“Boshtransloyiha” АЖ Тафтиш комиссияси фаолияти тугатилсин хамда “Boshtransloyiha” АЖ Тафтиш комиссияси тўғриси”даги низоми ўз кучини йўқотган деб топилсин.
8	«Boshtransloyiha» АЖ уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин ва Жамият устави янги таҳрирда иловага мувофиқ тасдиқлансин. «Boshtransloyiha» АЖ «Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисидаги», «Кузатув кенгаши тўғрисидаги» ва «Ижроия органи тўғрисидаги» ички низомларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин ва ушбу низомлар янги таҳрирда иловага мувофиқ тасдиқлансин.
9	1.Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 79-моддасига мувофиқ «Boshtransloyiha» АЖ Бош директори Рузиев Рустам Васикович ваколатлари узайтирилсин.
10	Жамиятнинг 2023 йил молиявий-хўжалик фаолияти якунлари бўйича ҳисоботларни миллий ва халқаро стандартларга мувофиқ аудиторлик текширувини ўтказиш учун, шунингдек СМК, СЙК ва уларнинг бажарилиши фоизларининг ҳисобланган миқдорини текшириш учун ташқи аудитори этиб «SMART AUDIT» МЧЖ аудиторлик ташкилоти тасдиқлансин ва унинг хизмат ҳақи 40 600 000,00 сўм (ҚҚС билан) миқдорида белгилансин.
11	1.“Boshtransloyiha” АЖнинг аффилланган шахслари билан 2022-2023 йиллар давомида тузилиши кутилаётган жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни иловага мувофиқ тасдиқлансин.
12	1. «Boshtransloyiha» АЖнинг 2023 йил учун Бизнес-режаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.
13	Муддати уч йилдан ўтган «Boshtransloyiha» АЖ акциядорлари ёки эгасининг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан талаб қилиб олинмаган 2 363 621 сўм миқдоридаги дивиденд жамият ихтиёрида қолдирилсин ва жамият фойдаси сифатида тан олинсин.

Жамиятнинг Кузатув кенгаш аъзоларини сайлаш

Кандидатлар тўғрисида маълумот					Овозлар сони
№	Ф.И.Ш.	иш жойи ва лавозими	Уларга тегишли акциялар		
			сони	тури	
-	-	-	-	-	-

Уставга киритилаётган ўзгартириш ва (ёки) қўшимчаларнинг матни

Илова қилинади

Эмитентнинг ижроия органи, кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзолари фойдасига ҳисобланган ва тўланган ҳақ ва (ёки) компенсациялар

№	Ф.И.Ш.	Шахс аъзоси ҳисобланган эмитент органининг номи	Тўлов тури	Ҳисобланган сумма	Маблағлар ҳисобланган давр	Тўлов назарда тутилган эмитент ҳужжати
1	Раджапов Мансур Кучкарович	Кузатув кенгаши	мукофот	18 160 000	2022 йил	Жамият кузатв кенгаши, тафтиш комиссияси ва ижроия органи аъзоларига мукофот тулаш тўғрисидаги низом

2	Назарова Дилдор Тимуровна	Кузатув кенгаши	мукофот	35 920 000	2022 йил	Жамият кузатв кенгаши, тафтиш комиссияси ва ижроия органи аъзоларига мукофот тулаш тўғрисидаги низом
3	Атажанов Камал Атаваевич	Кузатув кенгаши	мукофот	5 400 000	2022 йил	Жамият кузатв кенгаши, тафтиш комиссияси ва ижроия органи аъзоларига мукофот тулаш тўғрисидаги низом
4	Аскаров Музаффар Турсунбоевич	Кузатув кенгаши	мукофот	35 920 000	2022 йил	Жамият кузатв кенгаши, тафтиш комиссияси ва ижроия органи аъзоларига мукофот тулаш тўғрисидаги низом
5	Аълаев Акрам Турсунович	Кузатув кенгаши	мукофот	35 920 000	2022 йил	Жамият кузатв кенгаши, тафтиш комиссияси ва ижроия органи аъзоларига мукофот тулаш тўғрисидаги низом
6	Эргашев Алишер Рахматиллаевич	Кузатув кенгаши	мукофот	35 920 000	2022 йил	Жамият кузатв кенгаши, тафтиш комиссияси ва ижроия органи аъзоларига мукофот тулаш тўғрисидаги низом
7	Қараев Феруз Фахриддинович	Кузатув кенгаши	мукофот	32 070 000	2022 йил	Жамият кузатв кенгаши, тафтиш комиссияси ва ижроия органи аъзоларига мукофот тулаш тўғрисидаги низом
8	Шакиров Азамат Аскаралиевич	Тафтиш комиссияси	мукофот	3 000 000	2022 йил	Жамият кузатв кенгаши, тафтиш комиссияси ва ижроия органи аъзоларига мукофот тулаш тўғрисидаги низом
9	Дўсматов Хожиакбар Фарход ўғли	Тафтиш комиссияси	мукофот	13 400 000	2022 йил	Жамият кузатв кенгаши, тафтиш комиссияси ва ижроия органи аъзоларига мукофот тулаш тўғрисидаги низом
10	Уринов Шерзод Сидикжонович	Тафтиш комиссияси	мукофот	8 500 000	2022 йил	Жамият кузатв кенгаши, тафтиш комиссияси ва ижроия органи аъзоларига мукофот тулаш тўғрисидаги низом
11	Рузиев Рустам Васикович	Бош директор	мукофот	42 400 000	2022 йил	Жамият кузатв кенгаши, тафтиш комиссияси ва ижроия органи аъзоларига мукофот тулаш тўғрисидаги низом
12	Хасилов Хуснутдин Нуриддинович	Кузатув кенгаши	мукофот	24 240 000	2022 йил	Жамият кузатв кенгаши, тафтиш комиссияси ва ижроия органи аъзоларига мукофот тулаш тўғрисидаги низом
13	Ходжаев Улугбек Рустамович	Кузатув кенгаши	мукофот	30 520 000	2022 йил	Жамият кузатв кенгаши, тафтиш комиссияси ва ижроия органи аъзоларига мукофот тулаш тўғрисидаги низом
14	Рустамов Дильшод Абдухапизович	Кузатув кенгаши	мукофот	3 850 000	2022 йил	Жамият кузатв кенгаши, тафтиш комиссияси ва ижроия органи аъзоларига мукофот тулаш тўғрисидаги низом

15	Ходжабеков Ровшан Рахматович	Тафтиш комиссияси	мукофот	7 000 000	2022 йил	Жамият кузатв кенгаши, тафтиш комиссияси ва ижроия органи аъзоларига мукофот тулаш тўғрисидаги низом

Ижроия органи рахбарининг Ф.И.Ш.: **Рузиев Рустам Васикович**

Бош бухгалтернинг Ф.И.Ш.: **Израильбекова Ильмира Исмаиловна**

Веб-сайтда ахборот жойлаштирган ваколатли шахснинг Ф.И.Ш.: **Козлова Анна Алексеевна**

Жамият Кузатув кенгашининг
2023 йил 22 июндаги баённомасига
илова

«BOSHTRANSLOYIHA» АЖ акциядорлар умумий йиғилишининг
2023 йил “22” июндаги қарори билан
«ТАСДИҚЛАНГАН»

«BOSHTRANSLOYIHA» Transport bo`icha bosh loyiha-qidiruv instituti aksiyadorlik jamiyatининг
Уставига киритилаётган қўшимча ва ўзгартиришлар:

Амалдаги таҳрир	Янги таҳрир	Ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга асос
10. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ		
10.3.Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида Жамиятнинг Кузатув кенгашини ва Тафтиш комиссияни сайлаш тўғрисидаги, Жамият Бош Директори билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар ҳал этилади, шунингдек Жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш масалалари ва Жамият йиллик ҳисоботи ва бошқа ҳужжатлари кўриб чиқилади.	10.3. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида Жамиятнинг Кузатув кенгашини ва Тафтиш комиссияни сайлаш тўғрисидаги **(Тафтиш комиссия мавжуд бўлганда)**, Жамият Бош Директори билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар ҳал этилади, шунингдек Жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш масалалари ва Жамият йиллик ҳисоботи ва бошқа ҳужжатлари кўриб чиқилади.	*Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 мартдаги ЎРҚ-760-сонли Қонунига асосан*
10.6. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар киради: ... к) Жамият тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш. Тафтиш комиссия аъзоларига мукофот ва компенсациялар миқдорини белгилаш ва тўлаш тўғрисида қарор қабул қилиш; ... н) Жамият Кузатув кенгашининг ва Тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва Тафтиш комиссиясининг хулосаларини эшитиш;	10.6. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар киради: ... к) Жамият тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш **(Тафтиш комиссия мавжуд бўлганда)** ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш. Тафтиш комиссия аъзоларига мукофот ва компенсациялар миқдорини белгилаш ва тўлаш тўғрисида қарор қабул қилиш; ... н) Жамият Кузатув кенгашининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини эшитиш;	*Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 мартдаги ЎРҚ-760-сонли Қонунига асосан*

10.17. Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) Жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин 90 (тўқсон) кундан кечиктирмай акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар ва соф фойдани тақсимлаш юзасидан таклифлар киритишга ҳамда Жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.	10.17. Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) Жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин 90 (тўқсон) кундан кечиктирмай акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда жамиятнинг кузатув кенгашига ушбу кенгашнинг сон таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли, бундан кузатув кенгашининг мустақил аъзолигига номзодлар кўрсатиш мустасно.	*Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 18 январдаги ЎРҚ-814-сонли Қонунига асосан*
10.18. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Жамият Кузатув кенгашининг қарорига кўра унинг ўз ташаббуси асосида, Тафтиш комиссиясининг ёзма талаби, шунингдек ёзма талаб тақдим этилган санада Жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талаби асосида ўтказилади. 10.19. Жамиятнинг Тафтиш комиссияси ёки Жамият овоз берувчи акцияларининг камида 5 фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида талаб тақдим этган санадан эътиборан 10 кун ичида Жамият Кузатув кенгаши акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида ёки йиғилишни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши керак.	10.18. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Жамият Кузатув кенгашининг қарорига кўра унинг ўз ташаббуси асосида, шунингдек ёзма талаб тақдим этилган санада Жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талаби асосида ўтказилади. 10.19. Жамият овоз берувчи акцияларининг камида 5 фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида талаб тақдим этган санадан эътиборан 10 кун ичида Жамият Кузатув кенгаши акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида ёки йиғилишни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши керак.	*Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 18 январдаги ЎРҚ-814-сонли Қонунига асосан*
11.ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ		
11.2. Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради: ... у) Жамият Тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсация миқдори юзасидан тавсиялар бериш; ... **Тўлдирилмоқда**	11.2. Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради: ... у) Жамият Тафтиш комиссияси аъзоларига **(агар Тафтиш комиссияси мавжуд бўлганда)** тўланадиган ҳақ ва компенсация миқдори юзасидан тавсиялар бериш; ... х) Биржа кузатув кенгашининг мустақил аъзолигига номзодларни, қоида тариқасида, акциядорлар умумий йиғилиши кўриб чиқиши учун танлов асосида кўриб чиқиш.	*Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 мартдаги ЎРҚ-760-сонли Қонунига асосан* *Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 18 январдаги ЎРҚ-814-сонли Қонунига асосан*
11.4. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари, амалдаги қонунчилик ва мазкур Устав асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан ***уч йиллик*** муддатга сайланадилар. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг	11.4. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари, амалдаги қонунчилик ва мазкур Устав асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан ***уч йиллик*** муддатга сайланадилар. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг миқдор таркиби 7	*Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 18 январдаги ЎРҚ-814-сонли Қонунига асосан*

миқдор таркиби 7 (етти) кишидан иборат.	(етти) кишидан иборат**, бунда 1 (бир) киши кузатув кенгаши таркибига киритиладиган мустақил аъзо ҳисобланади.** **Жамият кузатув кенгашининг мустақил аъзоси кузатув кенгашининг бошқа аъзолари билан бир қаторда ушбу Устав белгиланган тенг ҳуқуқлар ва мажбуриятларга эга бўлади.**	
11.12. Жамият Кузатув кенгаши мажлислари унинг Раиси томонидан ҳар чоракда камида бир марта чақирилади. Жамият Кузатув кенгашининг навбатдан ташқари мажлислари Кузатув кенгаш Раисининг ташаббуси билан ёки қўйидагилар талабига кўра чақирилади: - Кузатув кенгаш аъзоларининг; - **Тафтиш комиссиясининг;** - Жамият Бош Директорининг; - ички аудит ҳизмати бошлиғининг; - қонунчиликда ва мазкур Уставда кўрсатилган бошқа ҳолларда.	11.12. Жамият Кузатув кенгаши мажлислари унинг Раиси томонидан ҳар чоракда камида бир марта чақирилади. Жамият Кузатув кенгашининг навбатдан ташқари мажлислари Кузатув кенгаш Раисининг ташаббуси билан ёки қўйидагилар талабига кўра чақирилади: - Кузатув кенгаш аъзоларининг; - Жамият Бош Директорининг; - ички аудит ҳизмати бошлиғининг; - қонунчиликда ва мазкур Уставда кўрсатилган бошқа ҳолларда.	*Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 мартдаги ЎРҚ-760-сонли Қонунига асосан*
11.27. Жамият кузатув кенгашининг мажлиси кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, Жамият кузатув кенгаши, **тафтиш комиссияси,** Бош директорнинг ва Жамиятнинг 1 (бир) фоиздан кам бўлмаган оддий акциялари эгалари талабига кўра чақирилади.	11.27. Жамият кузатув кенгашининг мажлиси кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, Жамият кузатув кенгаши, Бош директорнинг ва Жамиятнинг 1 (бир) фоиздан кам бўлмаган оддий акциялари эгалари талабига кўра чақирилади.	*Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 мартдаги ЎРҚ-760-сонли Қонунига асосан*
Тўлдирилмоқда	11.28. Жамият акциялари фонд биржасининг биржа котировкаси варағига киритилганда, ёки Жамият устав фондида давлат улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига камида бир нафар мустақил аъзо киритилади. Бунда кузатув кенгашининг мустақил аъзолигига номзодлар, жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан, қоида тариқасида, акциядорлар умумий йиғилиши кўриб чиқиши учун танлов асосида кўрсатилади. 11.29. Қуйидагилар кузатув кенгашининг мустақил аъзоси бўлиши мумкин эмас: - сўнгги уч йил ичида жамиятда ва (ёки) Жамиятнинг аффилланган шахсларида ишлаган шахс; - Жамият овоз берувчи акцияларининг беш ёки ундан ортиқ фоизига эгалик қилувчи (тўғридан-тўғри ва (ёки) аффилланган шахслар орқали) акциядор; - Жамиятнинг ва (ёки) унинг аффилланган шахсининг йирик мижози ва (ёки) йирик етказиб берувчиси билан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда бўлган шахс. Бунда қайси шахслар	*Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 18 январдаги ЎРҚ-814-сонли Қонунига асосан*

	билан базавий ҳисоблаш миқдорининг икки минг бараваридан кўп бўлган суммага тенг амалдаги шартнома мавжуд бўлса, ўша шахслар йирик мижоз ва йирик етказиб берувчи деб эътироф этилади; - сўнгги уч йил ичида Жамиятга ва (ёки) Жамиятнинг аффилланган шахсларига аудиторлик хизматларини кўрсатган аудиторлик ташкилотининг ходими; - кетма-кет олти йил давомида Жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига кирган шахс; - Жамият ва (ёки) унинг аффилланган шахслари билан бирор-бир келишувга эга бўлган шахс, бундан кузатув кенгаши аъзосининг вазифалари ва функциялари бажарилишини таъминлаш билан боғлиқ бўлган келишувлар мустасно; - Жамиятнинг бошқарув ва ички назорат органларининг ва (ёки) унинг аффилланган шахсларининг аъзоси бўлган шахснинг ёки сўнгги уч йил ичида уларга аъзо бўлган шахснинг яқин қариндоши ёки қуда томондан қариндоши (ота-онаси, ака-укалари, опа-сингиллари, ўғиллари, қизлари, эри (хотини), шунингдек эрининг (хотинининг) ота-онаси, ака-укалари, опа-сингиллари ва фарзандлари) бўлган шахс; - давлат бошқаруви органининг ёки давлат корхонасининг ходими бўлган шахс; - Жамиятнинг уставида ёки акциядорлар умумий йиғилишининг қарорлари билан тасдиқланган ҳужжатларда белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаган шахс. 11.30. Жамият жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига сайланган мустақил аъзоларнинг реестрини, қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланан тартиб асосида юритади ва уни ўз расмий веб-сайтида эълон қилади.	
12.ЖАМИЯТ ИЖРОИЯ ОРГАНИ		
12.7. Жамият Бош Директорининг мажбуриятларига ва ваколатларига қўйидагилар киради: ... Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатлар Жамиятнинг Кузатув кенгаши, Тафтиш комиссияси ёки Жамият аудитори талабига кўра тақдим этиш; ...	12.7. Жамият Бош Директорининг мажбуриятларига ва ваколатларига қўйидагилар киради: ... Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатлар Жамиятнинг Кузатув кенгаши, Тафтиш комиссияси (Тафтиш комиссия мавжуд бўлганда) ёки Жамият аудитори талабига кўра тақдим этиш; ...	*Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 мартдаги ЎРҚ-760-сонли Қонунига асосан*

Тўлдирилмоқда	12.13. Агар жамият Бош директори томонидан йирик битим ёки аффилланган шахслар билан битим тузиш тартиби бузилганлиги натижасида жамиятга зарар етказилган бўлса ва бунда Жамият Бош директорининг айби қонунчиликда белгиланган тартибда исботланса, жамиятнинг кредиторлар олдидаги қарздорлигини қоплаш учун унинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда жамиятнинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгар бўлади.	*Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 18 январдаги ЎРҚ-814-сонли Қонунига асосан*
13.ЖАМИЯТНИНГ МОЛИЯ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ а) Тафтиш комиссияси		
13.1. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан 1 йил муддатга 3 (уч) кишидан иборат тафтиш комиссияси сайланади. 13.2. Жамият Тафтиш комиссияси аъзоларига доир малака талаблари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланади. Айни бир шахс Тафтиш комиссияси таркибига кетма-кет 3 (уч) мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас. 13.3. Жамият Тафтиш комиссиясининг ваколати доирасига қўйидагилар киради: - Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият якунлари бўйича, ўзининг, акциядорлар умумий йиғилишининг ёки Жамият Кузатув кенгашининг ташаббусига кўра ёхуд Жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра текшириш; - Жамиятнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо бериш; - Қонунчилик ва ушбу Уставга мувофиқ акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилишини талаб қилиш; - Қонунчилик ва ушбу Уставга мувофиқ Жамият Кузатув кенгашининг мажлисларини чақирилишини талаб қилиш; - Тафтиш комиссияси, қонунчилик, ушбу Устав ва “Тафтиш комиссияси тўғрисида”ги Низомга мувофиқ бошқа ваколатларга ҳам эга бўлиши мумкин. 13.4. Жамият Тафтиш комиссиясининг фаолият	**Бекор қилинди.** *(Уставнинг 13.1. – 13.10. бандлари бекор қилингани муносабати билан 13.11.-13.15. бандлар 13.1.-13.5. бандлар деб ҳисобланади)* *(ушбу модданинг а) банди бекор килингани мунособати билан б) ва в) бандлари а) ва б) деб ҳисобланади)*	*Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 мартдаги ЎРҚ-760-сонли Қонунига асосан*

кўрсатиш тартиби Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган “Тафтиш комиссияси тўғрисида”ги Низомда белгиланади. 13.5. Жамият Тафтиш комиссиясининг ёзма талабига кўра Жамият ижроия органида мансабни эгаллаб турган шахслар Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни Тафтиш комиссиясига тақдим этиши шарт. 13.6. Жамият Тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида Жамият Кузатув кенгашининг аъзоси бўлиши, шунингдек Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаши мумкин эмас. 13.7. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш Тафтиш комиссиясининг, Акциядорлар умумий йиғилишининг, Жамият Кузатув кенгашининг ташаббусига кўра ёки Жамият овоз берувчи акцияларининг камида 5 (беш) фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра Жамият Кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият якунлари бўйича амалга оширилади. 13.8. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра Тафтиш комиссия хулоса тузади, бу хулосада: - Жамиятнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо; - бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилиши шарт. 13.9. Тафтиш комиссияси Жамиятда аффилланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва Жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани ҳар чоракда Жамият кузатув кенгашининг мажлисига олиб чиқади. Ушбу Уставнинг 13.8. бандида кўрсатилган ахборотни ўз ичига олган хулоса Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида эшитилади.		

13.10. Жамиятнинг тафтиш комиссияси амалдаги қонунчиликга мувофиқ акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилишини талаб қилишга ҳақли.		
13.5. (Эски 13.13. банд) Ички аудит хизмати ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ амалга оширади.	13.5. (Эски 13.13. банд) Ички аудит хизмати ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ амалга оширади. Жамият ички аудит хизмати бекор қилинган Тафтиш комиссиясининг тегишли вазифаларини амалга оширади.	***Тўлдирилди***